



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (59) 2023

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х.ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (59)

2023

сентябрь

Received: 20.08.2023, Accepted: 05.09.2023, Published: 15.09.2023.

УДК 159.9.072.432

КОРОНАВИРУС БАРЧАНИ ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН УЙҒОТИБ ЮБОРДИ

Атабеков Н.С. Email: nurmat.atabekov@minzdrav.uz

Икромов Р.Н. Email: rustamjon.ikramov@minzdrav.uz

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 4, e-mail: info@ssv.uz

✓ Резюме

Мақолада дунёда юзага келган пандемиялар ва уларнинг инсоният бошига келтирган кулфатлар тўғрисида фикр юритилган. Охирги пандемия янги коронавирусли инфекция тўғрисида фикр юритилганда, мамлакатимизда олиб борилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида батафсил тўхталинган.

Калит сўзлар: пандемия, вабо, грипп, полиомиелит, COVID-19, вакцина

КОРОНАВИРУС РАЗБУДИЛ ВСЕХ ОТО СНА

Атабеков Н.С. Email: nurmat.atabekov@minzdrav.uz

Икромов Р.Н. Email: rustamjon.ikramov@minzdrav.uz

Комитет по санитарно-эпидемиологическому благополучию и общественному здоровью при Министерстве здравоохранения, г. Ташкент, 100011, Шайхантахурский район, ул. Навои, 4, e-mail: info@ssv.uz

✓ Резюме

В статье рассматриваются пандемии, которые произошли в мире, и бедствия, которые они причинили человечеству. Когда речь пошла о последней пандемии рассматривающий как новая коронавирусная инфекция, подробно рассказывается о мероприятиях, проделанной в нашей стране, и ее результатах.

Ключевые слова: пандемия, холера, грипп, полиомиелит, COVID-19, вакцина

CORONAVIRUS WAKE EVERYONE FROM SLEEP

Atabekov N.S. Email: nurmat.atabekov@minzdrav.uz

Ikramov R.N. Email: rustamjon.ikramov@minzdrav.uz

Committee on Sanitary and Epidemiological Welfare and Public Health under the Ministry of Health, Tashkent, 100011, Shaykhantakhur district, st. Navoi, 4, e-mail: info@ssv.uz

✓ Resume

The article discusses the pandemics that have occurred in the world and the disasters they have caused to humanity. When it comes to the latest pandemic, which is considered as a new coronavirus infection, the activities carried out in our country and its results are described in detail.

Keywords: pandemic, cholera, influenza, polio, COVID-19, vaccine

Долзарблиги

Дунё яралибдики, инсоният ўз бошидан жуда кўп офатларни кечирган. Бунга Жаҳон дурушларини, кўзғалонлар, давлат тўнтаришлари, террорчилик ҳаракатлари, табиий офатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу даҳшатли ҳодисаларга турли даврларда инсоният ҳаётига даҳшат солган касалликларни қўша, асло муболаға бўлмади.

Инсоният тинимсиз равишда турли-туман дардлар билан курашиб келаяпти. Айниқса, юкумли касалликлар одамзотга жуда катта қиронлар келтирган. Биз яқиндагина ваҳимага тушган коронавирус 6.9 миллиондан ортиқ беморнинг ўлимига сабаб бўлган бўлса, бундан юз йил олдин «испанка» деб ном олган грипп қисқа муддат ичида 100 млн кишининг ёстиғини курутган. Агар ўлим кўрсаткичини ўша даврдаги сайёраамиз аҳолисининг 5 фоизига қиёсласак, бу бугунги кун ҳисоб-китоби билан 400 млнга яқин одамнинг қирилиб кетиши билан тенг. Фақат эмлаш ва вакциналар даврига келибгина инсоният бу касалликлар қаршисида мутлок ожизликдан қутилди.

XIV аср ўрталарида қора ўлат Европани, Ғарбий Осиёни (Яқин Шарқ) ва Африка шимолини қийратган. Ҳалокатли пандемияни келтириб чиқарган касаллик грэм-салбий *Yersinia pestis* (ўлат таёқчаси) бактерияси қўзғатадиган зоонет касаллик – ўлат деб ҳисобланадиган бўлди. *Yersinia pestis* бактериясининг асосий ташувчиси ёввойи кемирувчи жониворлардир. Қора ўлатнинг асосий келиб чиқиш жойи аниқ эмас, шунинг учун Хитой, Монголия, Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Россия жануби унинг макони сифатида таклиф этилади. Умуман олганда, тарихчилар касаллик Қора ва Каспий денгизлари шимолидаги даштлардан ғарб томон силжиб боргани хусусидаги фикрга қўшилади, унинг Европа ва Яқин Шарқ орқали тарқалиб бориши жуда яхши ҳужжатлаштирилган. Нима бўлган тақдирда ҳам, Қримнинг Ўрта ер денгизи ботиклигида жойлашган ҳудудларга инфекция тарқалган энг яқин манба сифатида асосий роль ўйнагани аниқ.

Бу касаллик милoddан аввал Рим ва Юнонистон империяларини ҳам зир қақшатган. Аммо 1346-1353 йилларда жуда шиддат билан кечгани ҳолда XIX асрга қадар ҳам тарқалишдан тўхтамаган. Ана шу 7 йил оралигида Европада ўнлаб миллион одамлар нобуд бўлгани қайд қилинган. Турли маълумотларга кўра, кўхна қитъа ўз аҳолисининг 30-60 фоизидан айрилган. Тиббиёт ривожланмагани, диний ва бидъат амаллардан нажот излангани, қашшоқлик каби омиллар даҳшатли қирғинга сабаб бўлади. Чорасизликдан нафақат касалликдан ўлганларнинг жасадлари, балки ҳали жони узилмаган, лекин ўлиши муқаррар бўлган беморлар ҳам олов қаърига отилади. Буни бугунги кун нуқтаи назарида шафқатсизлик дея баҳолаш, ёввойиликка йўйиш тўғри бўлмайди. Ўз даврида фақат оловгина охириги нуқтани қўя олган.

Халқимиз тилида полиомиелит (шол) касаллиги деб аталадиган бу мудҳиш дард ҳам бир неча асрлар давомида инсониятни қийнаб келган ва ҳануз самарали давоси топилмаган. Одамзод эмлаш услуби орқалигина полиомиелитни жиловлай олди. Аммо ўрта асрларда шол касаллигига чалиниши аянчли ўлимни англатарди. Сабаби, санитария-гигиеник меъёрларга амал қилинмас, тўғрироғи улар умуман йўқ даражада эди. Касалликнинг мураккаблиги бирданига ўлим кузатилмай, аксинча инсон узоқ муддат мажруҳликдан азоб чекарди.

Полиомиелит вирусни одамдан одамга ўтадиган-ўткир юкумли касаллик. Бунда марказий нерв системаси зарарланади. Фалаж билан ёки фалажсиз кечади. Полиомиелит қадимдан маълум бўлиб, айниқса, болалар ўртасида кенг тарқалган. Полиомиелит оқибатида минглаб болалар фалаж бўлиб қолар эди.

Вирусни сунъий кўпайтириш усулининг кашф этилиши, полиомиелитга қарши вакцина яратилиши ва болаларнинг ушбу касалликга қарши ёппасига эмлаш амалга оширилиши туфайли касаллик кескин камайди. Касаллик қўзғатувчи вируслар сувда узоқ вақт сақланади ва бевосита бемор билан ёки касаллик қўзғатувчисини ташиб юривчилар билан мулоқотда бўлганда юқади. Вирус ҳаво-томчи йўллари орқали (аксирганда, йўталганда), шунингдек, ифлосланган сабзавот, мева, қайнатилмаган сув, сутни истеъмол қилганда организмга ўтади.

2016 йилда бу касаллик билан касалланишнинг дунё бўйича 74 ҳолатда, 2016 йилда 37 ҳолатда қайд қилинган. Бундай натижаларга 122 та давлатларда 2,5 млрд боланинг оммавий эмланиши эвазига эришилган.

Полиомиелитга қарши дастлабки вакцина 1955 йилда яратилган. Шундан кейин ҳам 30 йил давомида ҳар йили 350 мингга касалланиш ҳолати қайд қилинган. 1988 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти полиомиелитдан оммавий эмлаш дастурини йўлга қўйган. Билл Гейтслар жамғармаси бунга қўшилиб, касалликни буткул йўқ қилиш учун 3 млрд доллар ажратган. Полиомиелит билан бир неча йиллик кураш вирусни 99,9 фоизга мағлуб этишга олиб келган. Бу 13 млн кишини фалажликдан қутқариб қолган. Дунёнинг энг бой одами полиомиелит чечакдан кейин бутунлай йўқ бўлиб кетадиган иккинчи касаллик бўлади, деб ҳисобламоқда.

Бирок баъзи давлатларда сиёсий ва ижтимоий бекарорлик туфайл ханузгача болаларни эмлашни ташкиллаштириш мураккаблигича қолмоқда.

Бугунги кунда полиомиелит билан касалланишнинг бор-йўғи 12 та ҳолати қайд қилинган. Бу касалланиш ҳолатлари Покистон ва Афғонистондагина учраган.

Яна бир мудҳиш ва кўҳна касаллик, у ҳам бўлса вабо касаллигидир. Милоддан аввал яшаган Гиппократ ҳам у ҳақда муфассал ёзиб қолдирган. Аммо 1816 йилда бошланган пандемия кўпчилиكنинг умрига зомин бўлган. Ҳиндистоннинг Ганга дарёси қирғоқларида бошланган бу эпидемия шиддат билан ер юзига тарқалди. Бунга жазирама иссиқ, сувнинг ўта ифлосланиши, одамларнинг ҳаддан зиёд тўпланиши ва дарёда чўмилиши сабаб бўлган. Шу ўринда, бундай омиллар бир нуқтада жамланиши сабабларига ҳам тўхталсак тўғри бўлади. Маълумки, Ганга дарёси Ҳиндистонда азалдан муқаддас ҳисобланади. Кумбха Мела маросимида эса бу ерга миллионлаб одамлар йиғилиб, покланиш амалини бажаришади. 2007 йилда Оллоҳободда кечган шундай маросимга 70 млн киши ташриф буюрган ва одамларнинг бирор сабаб билан оммавий тўпланиши бўйича мутлоқ рекорд ўрнатилган.

XIX асргача бу касалликнинг тарқалиши фақат Ҳиндистонда қайд этилган. Касаллик иссиқ ҳаво, сув ифлосланиши ва дарёлар атрофида одамлар тўпланиши туфайли тарқалган. 1817 йилдан 1961 йилгача еттига вабо пандемияси бўлган. Касаллик Япония, Сурия, Саудия Арабистони, Туркия, Миср ва Россиядан Европага ўтган. 1961 йилда вабо Африка ва Америкага етиб боради. Ҳолатлар Ғарбий, Жанубий ва Марказий Африка, Гаитида аниқланган. Вабодан 40 миллионга яқин одам вафот этган. Касаллик ўткир овқат ҳазм қилиш бузилиши, кучли сувсизланиш, мушаклар тонусининг бўшашиши ва йўқолиши, мушаклар тиришиши билан ифодаланади. Агар даволанмаса, бир неча соатдан кейин ўлим ҳолати кузатилади. Касаллик чекка аҳоли пунктларида санитария шароитлари ёмонлиги туфайли юзага келади. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили 21 дан 143 минггача одам вабодан вафот этади.

- Биринчи пандемия 1816-1826 йилларга тўғри келади. Пандемия Бенгалда бошланиб, 1820 йилга келиб бутун Ҳиндистонга тарқалди, 10 минг инглиз қўшини ва сон-саноксиз ҳиндуларни ўлдирди. Пандемия чекинишдан олдин Хитойга, Индонезияга ва Каспий денгизда тарқалди (фақат 100 минг киши Жава оролидаги эпидемиянинг қурбони бўлди), 1817-1860 йиллар орасида Ҳиндистон ярим оролидаги ўлимлар сони 15 миллиондан ошди. Яна 23 миллион киши 1865-1917 йиллар орасида вафот этган. Россияда ушбу даврда вафот этганлар сони 2 миллиондан ошди.

- Иккинчи пандемия 1829-1851 йилларда бўлиб, у Россияга (қаранг, вабо Риот), Венгрияга (тахминан 100 минг ўлим) ва 1831 йилда Германияга, 1832 йилда Лондонга (Буюк Британияда 55 минг дан ортиқ киши вафот етган), Франция, Канада (Ўша йили Онтарио) ва АҚШ (Нью-Йорк), 1834 йилга келиб Шимолий Американинг Тинч океани соҳилларида, 1848 йилда Англия ва Уэльсда икки йиллик авж олиб, 52 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. 1832 ва 1849 йиллар орасида, 150 минг дан ортиқ америкаликлар вабо туфайли вафот етган.

- Учинчи пандемия 1852-1860 йилларда содир бўлган. Бу биринчи навбатда Россияга таъсир кўрсатди ва миллиондан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. 1852 йилда бу касаллик Индонезиянинг шарқида пайдо бўлди ва 1854 йилга келиб Хитой ва Японияга кирди. У 1858 йилда Филиппинга ва 1859 йилда Кореяга етиб борди. 1859 йилда Бенгалда авж олиш касалликнинг Эрон, Ироқ, Арабистон ярим ороли ва Россияга тарқалишига олиб келди. Испанияда 1854 ва 1855 йиллар орасида 236 минг ўлим қайд этилди. Мексикада 200 минг киши ҳаётдан кўз юмди.

- Тўртинчи пандемия 1863-1875 йилларни англатади. Таъсир асосан Европа ва Африка. Макка шаҳридаги 90 минг зиёратчидан камида 30 мингтаси эпидемия қурбонига айланган. 1866 йилда Россияда 90 мингга яқин одам вафот этди.

- 1866 йилда Шимолий Америкада авж олди, тахминан 50 минг америкаликни ҳаётига зомин бўлди.

- Бешинчи пандемия 1881-1896 йилларда қайд этилган. 1883 - 1887 йилларда тахминан 250 минг европаликлар ва камида Америка қитъасининг 50 минг аҳолиси вафот этди. Россия империясида (1892), 267,890 та Испанияда тахминан 120 минг, Японияда 90 минг ва Эронда 60 мингга ўлим қайд этилди.

- 1892 йилда вабо Гамбургдаги ичимлик суви манбаларига чиқарилди, натижада 8606 киши вафот этди.

- Олтинчи пандемия 1899-1923 йилларда рўй берган. Европага унчалик таъсир кўрсатмади, балки Россияга таъсир қилди (20-асрнинг биринчи чорагида 500 мингдан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмган). Ҳиндистонда тахминан 800 минг қурбонлар бўлди. Филиппинда 1902-1904 йиллар эпидемияси тахминан 200 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. 1900 йилдан 1930 йилгача Маккага келган зиёратчилар ўртасида 27 та эпидемия қайд этилган ва 1907-1908 йиллардаги ҳаж пайтида 20 минг дан ошиқ инсон вабо касаллигидан вафот этган.

- Еттинчи пандемия 1962-1966 йилларни англатади. Бу Индонезияда бошланиб, Эл-Тор деб номланган, 1963 йилда Бангладешга, 1964 йилда Ҳиндистонга ва 1966 йилда собиқ Совет социалистик республикалар иттифоқи (СССР) га етиб келди.

Бугунги кунга келиб, кўплаб мамлакатларда бир қатор табиий ўчоқлар сақланиб қолган.

Испания гриппи пандемияси 1918-1919 йилларга, яъни Биринчи Жаҳон Уруши охирига тўғри келади. Испания биринчи бўлиб ҳалокатли гриппнинг тарқалиши ҳақида хабар берган, айнан шу омил касалликнинг номига таъсир кўрсатган. Вирус тахминан 50 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлган, баъзи маълумотларга кўра 10 миллион. Дунё аҳолисининг чорак қисми ушбу касалликка чалинган. Касалликнинг сўнгги босқичларида ўпкада қон кетиши бошланган ва ўлимга айнан шу ҳолат сабаб бўлган. Касаллик тарқалишининг асосий сабаби урушда иштирок этган давлатлар кўшинларининг оммавий ҳаракатланиши эди. Ҳаммаси бўлиб, тахминан 400 миллион киши ушбу гриппга чалинган. Коронавирусда бўлгани каби, «испанка» аломатларидан бири – бу нафас олиш қийинлашиши. Албатта, юз йил олдин инсоният ҳали ўпкани сунъий шамоллатиш тизимларини ихтиро қилмаган эди. Баъзи тадқиқотлар Испания гриппи бўлмиш H1N1 вируси парранда гриппи – H5N1 вирусига ўхшаш, аммо анча кучсизроқ хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди.

Гриппнинг бу тури «испанка» номини олишига икки сабаб бор. Биринчидан, асосий ўчоғи шу давлат бўлган бўлса, иккинчидан, биринчи жаҳон уруши кетаётган даврда Испания нейтраллик мақомини сақлаб қолган ва табиийки, оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, бу касаллик тўғрисида рўй-рост ёзишган. Қолган қатор давлатлар касаллик шиддат билан тарқалаётганига қарамай, буни яширишга уринганлар ва қаттиқ адашганлар.

Айнан «испанка» энг катта пандемияга сабаб бўлган ва дахшатли қирғин келтирган. 1918-1919 йиллар оралиғи (бор-йўғи 18 ой) давомида кечган бу касаллик билан умумий ҳисобда 550 млн киши ёки ер сайёраси аҳолисининг 29,5 фоизи касалланган.

Турли ҳисоб-китобларга кўра, 100 млнга яқин одам нобуд бўлган ва бу инсониятнинг 5 фоизи бир касалликдан 1,5 йил ичида қирилиб битганини англатади. Бугунги кун ҳисобича, бу салкам 400 млн киши – Европа аҳолисининг ярми ёки АҚШ ва Канада фуқароларининг барчаси нобуд бўлиши билан баробар бўларди. Қиёслашга ўрин йўқ албатта, аммо биз коронавирус туйфайли юз бераётган ўлимдан хавотирга тушмоқдамиз.

Вирусли юкумли касалликлар ҳозирда ҳам тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ер юзида ҳозирги вақтда миллиардлаб одамлар у ёки бу турдаги юкумли касалликлар билан касалланадилар. Тиббиёт ходимларининг самарали ҳаракатлари натижасида баъзи юкумли касалликлар (чин чечак) бутунлай бартараф қилинган бўлсада, айрим касалликлар билан касалланиш (шол, бўғма, ўлат, безгак, қоқшол ва бошқалар) даражаси кескин камайишига эришилган.

Бироқ, баъзи касалликларнинг қайд этилиши юқориликча сақланиб қолмоқда. Ҳатто, кейинги пайтларда “яна қайтиб келаётган”, “янгидан пайдо бўлаётган” каби атамалар юкумли касалликлар соҳасига илдам кириб келмоқда. XXI аср бошидан парранда гриппи эпидемияси Шарқий Осиё мамлакатлари (Хитой, Лаос) худудига қайд қилинган бўлса, 2005 йилга келиб, Россия ва Европа мамлакатларига (Руминия, Италия) тарқалди. 2006 йилда эса касаллик Туркия ва Озарбайжонда рўйхатга олиниб, Туркияда одамлар орасида касалланиш натижасида атипик пневмония сабабли ўлим ҳолатлари ҳам кузатилди.

Атипик пневмония (Severe Acute Respiratory Syndrome, SARS) биринчи бўлиб 2002 йилда Хитой жанубий-ғарбидаги Гуандун провинциясида тарқаган. Кейин Хитойнинг бошқа вилоятларида, Вьетнам, Янги Зеландия, Индонезия, Таиланд ва Филиппинга ўтиб кетган. Худди шу касалликка чалиниш ҳолатлари Шимолий Америка, Европа ва Россияда ҳам қайд этилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳисоб-китобларига кўра, эпидемия тарқаган 2002-2003 йилларда 37 мамлакатда жами 8437 кишига бу касаллик юқиб, шулардан 813 нафари оламдан ўтган.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) 2003 йилнинг июлида атипик пневмония (SARS) дунё бўйлаб тугатилганини расман эълон қилди. Шунинг давомида қўшимча қилиндики, атипик пневмония эпидемиясининг тугатилиши унинг устидан тўлиқ ғалаба қозонилганини аниқламайди. Шу боисдан ташкилот эпидемия тарқаган мамлакатлардан хушёрликни йўқотмасликни сўради.

Инсоният асрнинг навбатдаги эпидемияси билан 2009 йил бошида юзма-юз келди. Мехикода чўчка гриппини келтириб чиқарувчи (хайвонлардан одамларга ва одамдан одамга ўтувчи) H1N1 янги вируси пайдо бўлганди. Шундан сўнг касаллик Мексика бўйлаб тарқаб, АҚШга ўтиб кетди. Бир неча ойдан кейин Испанияда ҳам бу вирус топилди, кейин эса H1N1 етиб бормаган деярли биронта ҳам Европа мамлакати қолмади. Ўша йилнинг июнида ЖССТ мутахассислари охириги 41 йилда илк марта гриппнинг янги вируси пандемияси (эпидемиянинг жуда кенг тарқалиши) бошланганини эълон қилишди.

Сўнги 20 йил давомида 2009 йилда пандемия бошланишига сабаб бўлган pdm/09 вирусининг яқин қариндоши — H1N1 штамми чўчкалар орасида устунлик қилишни бошлаган. Пандемия тугатилганидан кейин мазкур вирус чўчкалар популяцияси орасига «қайтган» ва улар орасида тарқалишни бошлаган.

Аниқланишича, pdm/09 вирусининг пайдо бўлиши ва табиий эволюцион жараёнлар H1N1 вирусининг бир неча алоҳида йўналишда ривожланишига олиб келди. Уларнинг ҳар бирида ўзининг мутация тўплами бўлган. Яқинда улардан бири — G4 чўчкалар орасида устунлик қилишни ва бошқа вирус турларини сиқиб чиқаришни бошлаган. Бу штамм H1N1 ва pdm/09 ўртасидаги вирус ҳисобланади. Тахмин қилинишича, бу штамм чўчка бирданига H1N1 ва pdm/09 вируслари билан касалланиши натижасида юзага келган. Янги штамм pdm/09 вирусидан M генини мерос қилиб олган. Бу ген янги вирус бўлақларини йиғади ва мазкур вируснинг юқори ўлим даражасига эга бўлишининг асосий сабабчиси ҳисобланади.

Одам хужайраларида ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, бу штамм одам ўпкаси хужайраларига кириши ва ҳаво-томчи йўли билан юқиши мумкин. Бунинг устига, G4 вируси унинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган икки вирусга қараганда инсон хужайраларида касалликнинг оғирроқ кўринишларини келтириб чиқаради. Инсон хужайраларида ўтказилган кейинги тажрибаларнинг кўрсатишича, гриппга қарши мавжуд бўлган барча вакциналар бу хайвонларни касалланишдан ҳимоя қила олмаган. Бу G4 вируси H1N1 ва pdm/09 вирусларидан фарқли равишда бошқа антиген гуруҳига мансублиги билан боғлиқ. Биологларнинг таъкидлашича, бу ҳолат мазкур штамм инсоният популяцияси учун жуда хавфли эканлигини кўрсатади.

Касаллик республикамиз ҳудудига эса етиб келмади. 2010 йил H1N1 янги грипп (чўчка гриппи) вируси ер юзининг қатор мамлакатларида кузатилиб, пандемик равишда тарқалди ва чўчка гриппига чалиниш ҳолатларининг 0,007 фоизда ўлим қайд этилган, ҳатто айрим мавсумий грипп турлари ҳам бундан кўра кўпроқ ўлимга сабаб бўлади. Шифокорлар ва биологлар ана шу вируслар тарқалишидан қилган ҳулосада инсониятга қамрови жиҳатдан XX асрнинг биринчи ярмида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган «Испан гриппи»га ўхшаш бўлган янги пандемия хавф солиши мумкинлиги айtilган.

Ҳозирча бундай грипп эпидемияси бир сабабга кўра юз бермади — чўчка ва парранда гриппи ҳаво-томчи йўли билан тарқалишни билмайди ва одамдан одамга тез ўта олмайди. Бошқа томондан, 2011 йилда ўтказилган тажрибага кўра, парранда гриппи вируси учун учта кичик мутация керак. Кейинроқ хитойлик олимлар томонидан аниқланишича, H7N9 вируси штаммининг табиий кўринишлари мазкур мутациялардан бирига эга бўлган.

2013 йилнинг феврилида Жанубий ва Шарқий Осиёда парранда гриппи тарқади. H5N1 ҳамда H7N9 вируслари уйғотувчи бу касаллик кўлда боқиладиган паррандалардан одамга юқарди. Вирус эпидемияга айланиб кетмаслиги учун кўриладиган ягона чора — касаллик аниқланган жойдаги паррандаларни битта қолдирмай йўқотиш бўлиб қолмоқда.

Тиббиёт мутахассисларига бу касаллик бегона эмас эди, чунки 2003 йили илк марта Осиёда айнан шу «парранда вируси» аниқланганди. Аммо ўшанда атиги 100 кишида касаллик топилган, 140 млнта парранда йўқ қилинганди.

ЖССТ маълумотларига кўра, 2003 йилдан 2013 йилнинг декабрига қадар H5N1 вируси билан 15 мамлакатда 649 киши касалланиб, 384 нафари дунёдан кўз юмган. Парранда гриппида пневмониянинг ривожланиб кетиши, буйраклар, жигар ва қон ҳосил қилувчи органлар фаолиятининг жиддий бузилиши ўлимга олиб келган.

Касалликка қарши курашиш учун қатор вакциналар ишлаб чиқилгани учун ундан ўлим ҳолатлари анча камайди. Бироқ парранда гриппи ҳам, чўчка гриппи ҳам батамом йўқ қилинмаган. Чунки бу вируслар ўта тез мутацияга учраш хусусиятига эга. Ҳар йили одамлар келгуси йилда пайдо бўлиши кутилаётган штаммларга қарши эмаланади. Янаги йили худди шу вирус бутунлай ўзгача шакл-шамойилда кўриниш бериши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари маълумотларига кўра, юқумли касалликларнинг 80% ини вирусли касалликлар ташкил этади.

2019 йилнинг декабрь ойи ўрталарида Хитойда бошланган янги коронавирус (2019-nCoV) эпидемияси туфайли шу бугунги кунгача минглаб инсон ҳаётдан кўз юмгани қайд этилди. Текширувлар натижасида ушбу коронавирус ўзининг генетик тузилишига кўра 2002 йили Хитойнинг Гуандун вилоятида пайдо бўлган "оғир даражадаги ўткир респиратор синдроми"нинг: ("SARS" Severe acute respiratory syndrome) коронавирус билан ўзаро ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги аниқланди. Ҳозирча, янги коронавируснинг келиб чиқиши аниқ эмас. Фақат тахминлар бор ҳолос. Даҳшатли вирус илк бора Хубэй вилоятининг Ухань шаҳрида жойлашган Хуанан номли ҳайвон ва денгиз маҳсулотлари бозорига алоқадор бўлган маҳаллий аҳоли вакилларида намоён бўлган. Мазкур бозорда истеъмол учун денгиз маҳсулотлари, ит гўшти, илонлар ва ҳатто кўршапалаклар ҳам сотилган. Тахминларга кўра, коронавирус ҳайвон организмида мутацияга учраган. Сўнгра инсонга юққан. Илк бошда коронавирус ўчоғи денгиз маҳсулотлари деган фикр илгари сурилди. Лекин, касаллик белгилари зотилжам (пневмония) билан бошланишига кўра, унинг юқиши ҳаво орқали амалга ошиши маълум бўлди ва коронавирус ўчоғи денгиз маҳсулотлари орқали юқади деган версия нотўғри бўлиб чиқди. Кейинчалик, экспертлар "2019-nCoV" кўршапалакларда аниқланган коронавирус билан яна бир манбаси номаълум коронавируснинг ўзаро чаптишиб, гибридлашувидан ҳосил бўлган деган тўхтамга келдилар.

Апрель ойининг бошларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус янги коронавирус тарқалишини пандемия босқичига етди деб эълон қилди, вирус ўша вақтда барча қитъаларга тарқалиб, 110 дан ортиқ мамлакатда вирус юқиши ҳолати қайд этилган эди.

Ушбу даврда Европанинг ривожланган давлатларида Италия, Испания, Франция ва Америка Қўшма Штатларида ҳам касаллик ва ўлим даражаси юқорилаб кетди ҳамда бу жараён апрель ойигача кузатилди.

Жаҳон соғлиқ ташкилоти ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, коронавирус касаллиги 81% одамда енгил ўтади; 14% да жиддий; 5% одам оғир кечади. Коронавирусдан вафот этганлар сони 3-4% ни ташкил этади.

Коронавируснинг дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётганлиги сабабли Республикамиз ҳудудига ҳам кириб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январда 5537-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чоратадбирлар дастури тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида республика махсус комиссияси ташкил этилиб, бугунги кунда бажарилаётган барча чоратадбирлар, шу жумладан карантин бўйича тадбирлар махсус комиссия кўрсатмасига биноан амалга оширилиб келинмоқда.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи қадимда ҳам мана шундай оғир синовларга дуч келиб, машаққатларни мардонавор енгиб ўтган.

Шу муносабат билан, мазкур касалликнинг кенг кўламда тарқалиб, мураккаб эпидемик вазият юзага келишининг олдини олишга қаратилган ва бевосита касалликнинг лаборатория ташҳисоти, даволаш йўллари, мулоқотда бўлганлар орасида ва кенг жамоатчилик ўртасида амалга оширилиши лозим бўлган профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар кучайтирилди.

Айниқса, бутун дунёда COVID-19 га қарши курашишнинг энг самарали усулларида бири сифатида қаралаётган, коронавирус инфекциясига қарши вакциналар билан эмлаш изчиллик билан амалга оширилди ва ЖССТнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон бутун дунё мамлакатлари 10 талиги қаторида эмлашни ташкил қилди, инфекциясига қарши ҳозиргача мамлакатимизда жами 81 426 514 доза вакцинадан фойдаланилди. Улардан:

- ✓ 1-босқич эмланганлар 21 767 620 нафарни,
- ✓ 2-босқич эмланганлар 18 926 788 нафарни,
- ✓ 3-босқич эмланганлар 11 197 039 нафарни,
- ✓ Бустер доза билан эмланганлар 29535067 нафарни ташкил қилди.

Республикада COVID-19 га қарши эмлаш жараёни 2021 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, ҳозирги кунгача босқичма - босқич давом эттирилмоқда. Натижада касалланишнинг барқарорлашишига эришилди ва бугунги кунга келиб мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар сони 256 325 нафарни ташкил этиб, улардан 254 047 нафари (99,0 фоиз) соғайган, 1 637 нафари (0,7 фоиз) вафот этган.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган бу каби оламшумул тадбирлар ўз самарасини берди ва биз бошқа давлатлардан фарқли ўларок, дунё ҳамжамиятида биринчилардан бўлиб коронавирус касаллиги бўйича эпидемик барқарор муҳитга эга бўлдик. Зеро, республикаimizдаги барча куч ва имкониятлар бирлашиб забардаст бир муштга айланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Львов Д.К., Альховский С.В., Колобухина Л.В., Бурцева Е.И. Этиология эпидемической вспышки COVID-19 в г. Ухань (провинция Хубэй, КНР), ассоциированной с вирусом 2019-nCoV: уроки эпидемии SARS-CoV // *Вопр. вирусологии*. 2020;65(1):6-15.
2. Курбанов Б.Ж., Маматкулов И.Х., Косимов О.Ш. и др. Эпидемиологический анализ распространения коронавирусной инфекции (COVID-19) в Республике Узбекистан // *Инфекция, иммунитет и фармакология* 2021;4:66-69.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори № ПК-4649 26 март 2020 йил «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори № ПП-4790 27 июль 2020 йил «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори №6035 25 июль 2020 йил «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
6. Weekly operational update on COVID-19// www.who.org

Қабул қилинган сана 20.08.2023